

№49
(1483)
2023-YIL
14-DEKABR

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



t.melo'zbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА - ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 3 июлдаги ПҚ-200-сон, “Ўзбекистон - 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-300-сон қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда профессионал таълимда кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июлдаги ПҚ-200-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим, фан ва инновациялар соҳасини трансформация қилиш жараёнларини жадаллаштириш бўйича “йўл харитаси”нинг 31-бандида:

профессионал таълим муассасалари педагог ходимларининг ўқув-меъёрий хужжатлари ҳамда педагогик юкламларини қайта кўриб чиқиш;

профессионал таълим тизими раҳбар ва педагог ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жа-

раёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-300-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича 2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари рўйхатининг 7-бандида техникумларда кредит-модуль тизимини жорий этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қуйидагиларни назарда тутувчи Техникумларда кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ўрта бўғин кадрлар тайёрлашда кредит-модуль тизими бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва таълим сифатини таъминлаш;

ўқувчилар томонидан ўқув йили ва семестр давомида тўпланадиган кредитлар миқдори ва ўзлаштириш лозим бўлган фанларни белгилаш;

ўрта бўғин кадрларни тайёрлашда кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш ҳамда ўқувчилар ўзлаштиришини баҳолаш;

ўқувчилар академик мобиллиги ҳамда кредитларни тан олишни амалга ошириш, кредит-модуль тизимида рўйхатга олиш хизматини ташкил этиш.

Давоми 2 – бетда▶

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯККАЮ ЯГОНА ЙЎЛИ

Бугун замонавий ҳаётни илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳозир қайси бир соҳани олманг, унинг ривожини учун, аввало, таълим тизими тараққий этган бўлиши керак. Зеро, инсон капиталига, унинг иқтидорига эътибор қаратмай туриб, натижага эришиш қийин.

Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ёшларнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ҳамда касб-хунарларни эгаллаши учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилгани сабаби ҳам шунда. Бу саяё-ҳаракатлар натижасида ўтган қисқа даврда мактабгача таълим, олий ва ўрта махсус таълим тизими катта ўзгаришларга юз тутди. Айниқса, “Янги Ўзбекистон – мактаб оstonасида бошланади” деган шiori асосида мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланди. Етти йил давомида мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш йўналишида олиб борилаётган ислохотлар бугунга келиб ўзининг салмоқ-

ли натижаларини бера бошлади. Бу ҳолатни таълим ривожининг рақам ва сифат кўрсаткичларида яққол кўриш мумкин. Албатта, туб ислохотлар негизида Асосий қомусимиз бош хужжат сифатида муҳим ўрин тутди. Айниқса, халқ хоҳиш-иродаси ифодаси сифатида кучга кирган янги таҳрирдаги Конституцияда ёшлар ва таълим масалалари билан боғлиқ нормалар янада мустаҳкамлаб қўйилди. Мамлакатимиз аҳолисининг 18 миллион нафардан ортиғи ёшлар эканлиги, ушбу кўрсаткич 2040 йилга бориб, 25 миллионга етишини ҳисобга оладиган бўлсак, Конституцияга ёшлар масаласига алоҳида боб киритилгани муҳим аҳамиятга эгаллигини билим мумкин. Янги таҳрирдаги Конституция шахснинг қомил инсон бўлиб етишиши учун

зарур бўлган таълим-тарбиянинг барча жараёнлари ҳамда босқичларини қамраб олган. Унда илк маротаба узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожини таъминлаш давлатнинг вазифалари қаторидан жой олди.

Давлат эндиликда нафақат умумий ўрта таълим балки бошланғич профессионал таълим олишни ҳам бепул бўлишини кафолатлайди. Хусусан, Бош қомусимизнинг 50-моддасида фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи билан боғлиқ қатор нормалар мустаҳкамландики, буларнинг барчаси таълим сифатини янада оширишга хизмат қилади. Янги таҳрирдаги Конституциямизда илк бор ўқитувчи мақоми алоҳида белгиланиб, таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг бош вазифалари қаторига киритилди. Зеро, жамият ҳаётида ўқитувчининг ўрни ва таъсири ошса – мактабнинг обрўи ошади, илм-фан, таълим ва тарбия соҳасининг қадри кўтарилади. Муаллимнинг обрў-эътибори эса бу миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир. Бош қомусимизнинг

52-моддасида “Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади”, деб белгилаб қўйилгани юртимизда ўқитувчиларга бўлган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир. Муболағасиз айтиш мумкинки, Асосий қонуни-миз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар ортга қайтмаслигининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Зотан, янги таҳрирдаги Конституция-мизда Ўзбекистоннинг беш устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди.

Президентимиз 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригида ҳам ушбу масалага алоҳида тўхталди. “Янги

Ўзбекистон – маърифий жамият” концепцияси асосида конституциявий таълим масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани, Парламент томонидан Конституцияни ўқиб-ўрганиш бўйича Миллий фаолият дастури қабул қилинганлигини таъкидлади. Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбари айтганидек, Асосий қонуни-мизни ўрганишни болалар богчасидан бошлаш, барча даражадаги таълим муассасалари, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, давлат хизматчилари ушбу жараёнга тўлиқ жалб этилиши лозим. Шунинг учун давлат хизматида ишга киришда Конституция асослари бўйича имтиҳонлар ўтказиш тизимини амалда татбиқ этишимиз зарур.

Умуман олганда, ёшлар ва таълим масаласининг Конституция даражасида янада мустаҳкамланиши мамлакатимизда ушбу соҳада амалга ошириладиган ишлар қўламини янада оширади. Албатта, бу борадаги саяё-ҳаракатлар эса тизимли давом эттириляптики, натижалар ҳам шунга монанд бўлаверади.

Шахноза
ХОЛМАХАМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА - ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

а) тизимида техникумлар бўлган ва-зирликлар ва идоралар билан ҳамкор-ликда 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб техникумларда кредит-модуль тизими-да ўқув жараёнини ташкил этиш бўйи-ча:

таълимнинг кредит-модуль тизимига техникумларни босқичма-босқич ўтка-зиб бориш чораларини кўрсин;

ўқув жараёнига кредит-модуль ти-

зими жорий этиладиган профессионал таълим йўналишлари, касб ва мутахас-сисликларининг давлат таълим стан-дартлари, малака талаблари, ўқув режа-лари ва ўқув дастурларини қайта ишлаб чиқсин;

б) профессионал таълим тизими раҳ-бар ва педагог ходимларини қайта тай-ёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига кредит-модуль тизимини жо-рий этиш бўйича 2024 йил 1 январдан бошлаб:

кредит-модуль тизими жорий этили-ши орқали малака ошириш курслари-нинг ўқув режалари ва ўқув дастурлари

такомиллаштирилишини ва тингловчи-ларнинг муайян модуль (фан) бўйича ўзлаштирилган ўқув юкламаси кредит-лар асосида ҳисобланишини таъминла-син;

раҳбар ва педагог ходимларнинг ма-лака ошириш шакллари мустақил танлаш имкониятини йўлга қўйсин ҳамда ҳар ўқув курси якуни бўйича таъ-лим натижаларини мониторинг қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукума-тининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий таъ-

лим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қил-ган норматив-ҳукукий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга муво-фиқлаштирсин.

Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-каси олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари К.Х. Каримов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил
7 декабрдаги 648-сон қарорига
1-илова

ТЕХНИКУМЛАРДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ
ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ

1-БОБ. УМУМий ҚОИДАЛАР

Мазкур Низом Ўзбекистон Респу-бликасидаги техникумларда кредит-мо-дуль тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Техникумларда кредит-модуль тизи-мида ўқув жараёни Кредит тўплаш ва кў-чиришнинг Европа моделига (European Credit Transfer and Accumulation System – ECTS) мувофиқ ташкил қилинади.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республика-си Президентининг ҳужжатлари билан алоҳида ваколатлар берилган профес-сионал таълим ташкилотлари, нодавлат профессионал таълим ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазир-лиги тизимидаги юридик техникумлар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини юритаётган халқаро ва нодавлат хорижий профессионал таъ-лим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Техникумлар томонидан бошқа про-фессинал (олий) таълим ташкилотла-ри билан қўшма дастурлар доирасидаги шартномаларда мазкур Низомда назар-да тутилганидан бошқача қоидалар бел-гиланган бўлса, ушбу шартнома қоида-лари қўлланилади.

Кредит-модуль тизими жорий эти-ладиган таълим дастурлари Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва ин-новациялар вазирлиги томонидан бел-гиланади.

Ушбу Низомда қуйидаги асосий ту-шунчалар қўлланилади:

академик мобиллик – техникум ўқувчиларининг муайян вақт мобайнида республика ҳудудидаги ёки чет элдаги

бошқа бир профессионал таълим таъ-килотида таълим олиши;

кредит – таълим олиш натижалари-га кўра ўқувчи томонидан муайян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкламаси-нинг ўлчов бирлиги. Кредитлар қоидага мувофиқ бутун сонларда ифодаланади;

кредитларни кўчириш – ўқувчилар-нинг академик мобиллигини таъминлаш мақсадида бир техникумдаги таълим дастурида олинган кредитларни бошқа техникумга кўчириш ва тан олиш;

кредит тўплаш – ўқув юкламасини ўзлаштириш натижасида тақдим эти-ладиган кредит бирликларини йиғиш;

мобиллик дастури – икки ёки ундан ортқич техникум ўртасида ўзаро кели-шув асосида ташкил этиладиган да-стур;

таълим дастури – профессионал таълим таъкилотини битирувчисига му-айян эгаллаган касб ёки мутахассислик бўйича касбий фаолиятни малакали ба-жариш имконини беришга қаратилган профессионал таълим тайёргарлиги-нинг асосий мазмунини аниқловчи дав-лат таълим стандарти, малака тала-би, ўқув режаси ва ўқув дастурларидан иборат ҳужжатлар тўплами;

таълим дастури каталози – про-фессинал таълим таъкилотини тавси-фи, кредит-модуль тизими, мавжуд касб ва мутахассисликлар, ўқув режа-лар, ўқув дастурлари, хизматлар ва ре-сурслар тавсифи тўғрисида ахборот;

таълим жараёнини бошқариш ах-борот тизими – ўқувчиларни рўйхатга олиш, ўқув материалларини тарқатиш, ўқувчилар ва педагог ходимлар ўртаси-да ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, топ-шириқларни бериш, назоратлар ўтка-зиш, баҳолаш ва унинг натижаларини

қайд этиш каби имкониятларга эга бўл-ган электрон тизим (махсус дастурий восита);

таълим модули (модуль) – ўқувчида билим, кўникма ва малакаларни шакл-лантиришга қаратилган таълим да-стурининг таркибий қисми сифатида назорат қилишнинг тегишли тури би-лан якунланадиган алоҳида ўқув фани (унинг қисми ёки ўзаро бир соҳага доир фанлар мажмуи);

таълим элементлари – таълим дастурининг бир қисми бўлиб, таълим олиш натижаларига эришиш ва таъ-лим дастурида кўрсатилган билимлар-ни ўзлаштиришга ҳамда кўникмаларни эгаллашга кўмаклашувчи ўқитиш тури;

транскрипт – таълим олишнинг те-гишли даврида ўзлаштирилган кредит-лар ҳамда олинган баҳоларнинг ҳарф ва рақамлардаги ифодаси кўрсатиб ўтил-ган фанлар рўйхатини ўз ичига олган белгиланган шаклдаги ҳужжат;

ўқувчининг шахсий таълим тра-екторияси – ўқувчи томонидан тан-ланган ҳамда унга кетма-кетликда билимлар тўплаш ва хоҳлаган компе-тенциялар йиғиндисига эга бўлиш имко-ниятини берадиган йўналиш (маршрут, режа). Таълим траекторияси инсти-туционал ҳужжатлар ва йўриқномалар ёрдамида тузилиши ҳамда турли таъ-лим траекториялари натижасида бир хил малака олишга олиб келиши мумкин;

ўқув юкламаси – ўқувчи томонидан ўқув фаолиятининг барча турларини (маъруза, амалий машғулот, семинар, лаборатория иши, курс лойиҳаси (иши), амалиёт ва мустақил иш) амалга оши-риш асосида қўшилган ўқув натижала-рига эришиш учун зарур бўлган соатлар ҳажми;

GPA (Grade Point Average) – таъ-лим олувчи томонидан ўзлаштирил-ган кредитлари бўйича олган баҳоси (баллари)нинг ўртача қиймати бў-либ, у қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$GPA = \frac{K_{T1} \cdot U_1 + K_{T2} \cdot U_2 + K_{T3} \cdot U_3 + \dots + K_{Tn} \cdot U_n}{K_1 + K_2 + K_3 + \dots + K_n} \text{ бунда:}$$

K_n – ҳар бир фан/модулга ажратил-ган кредитлар миқдори;

K_{Tn} – ҳар бир фан/модуль бўйича ўқувчи тўплаган кредитлар миқдори;

U_n – ҳар бир фан/модуль бўйича ўқувчи олган баҳо (балл);

n – муайян фан/модульнинг сони.

Бунда ўқувчи фақат фан/модулни му-ваффақиятли якунлаган тақдирда, ушбу фан/модуль бўйича кредит берилади.

7. Ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этишнинг ташкилий масалаларига оид маълумотлар, шу жумладан, таълим дастури каталози, академик мобиллик, таълим тўғриси-даги маълумотнома, кредитларни тан олиш ва кўчириб ўтказишга тааллуқли ҳужжатлар (транскрипт ва бошқалар), шунингдек, академик мобиллик дав-рида ўқувчининг билим даражасини аниқлаш бўйича кўрсаткичлар ва бошқа зарур ҳужжатлар намуналари Ўзбеки-стон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

8. Ўқув режасида ўзлаштириладиган мажбурий фанлар ва танлов фанлари, уларга ажратилган соатлар (кредитлар), ўқув йили, назарий ва амалий машғу-лотлар, ўқув ва ишлаб чиқариш амали-ёти, якуний давлат аттестацияси ҳамда бошқа зарур параметрлар акс эттирила-

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил
7 декабрдаги 648-сон қарорига
1-илова

ТЕХНИКУМЛАРДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

ди. Ўқув режаси ва ўқув дастури белги-
ланган тартибда ишлаб чиқилади ҳамда
тасдиқланади.

Таълим дастурида кредитларнинг
микдори умумий ўқув юкламаси асоси-
да кўрсатилади.

9. Таълим дастури каталоги ва ўқи-
тиш шароитлари тўғрисидаги батафсил
маълумотлар техникумларнинг расмий
веб-сайтига қулай юкланадиган шаклда
ўқув йили бошланишидан камида бир
ой олдин жойлаштирилади.

2-БОБ. ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ

10. Ўқув жараёни ўқув ва назорат
тадбирлари мажмуини ўз ичига ола-
ди. Ўқув тадбирларида барча турдаги
аудитория машғулотлари, амалиёт ва
муваффиқлик техникаси томонидан му-
стақил ишларнинг ташкил этилиши
назарда тутилади.

Назорат тадбирлари таълим олув-
чиларнинг ўқув режасидаги тегишли
фанлар бўйича билимларни ўзлаштири-
шини ва уларнинг натижаларини баҳо-
лашни назарда тутди.

11. Ўқув жараёни ўқувчилар, педагог
ходимлар ва маъмурият ўртасида очик
мулоқот шаклида ўқувчига йўналтирил-
ган ёндашув асосида таълим дастурла-
рини инобатга олган ҳолда режалашти-
рилади. Ушбу жараёнда ўқувчиларнинг
талаб ва истаклари муҳофама қилинади.
Барча манфаатдор томонлар таълим
дастурининг яратилиши ва ўзлашти-
рилишининг асосланган ҳамда ечимга
йўналтирилган муҳокамасига жалб эти-
лиши мумкин. Муҳоқамада ўқувчилар
вакиллари овоз бериш ҳуқуқи орқали
иштирок этади.

12. Ўқув жараёнини режалаштириш
қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

*ўқув режаси ва ўқув дастурини
ишлаб чиқиш;*

*ишчи ўқув режаси ҳамда фанларнинг
ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш;*

*танлов фанлари рўйхатида мос ра-
вишда ўқув-методик бўлим (ёки бўлим
бошлиги) назорати остида ўқувчилар-
нинг шахсий таълим траекториясини
шакллантириш;*

*академик гуруҳлар бўйича ўқув
машғулотлари жадвалини тузиш.*

Ўқув режасига ўқувчилар томонидан
ихтиёрий равишда ўзлаштирилдиган
қўшимча кредитлар ажратилдиган
таълим элементлари киритилади. Ўқув-
чининг жамоат ишларидаги фаоллиги,
касбий тадбирлар, касбига оид фао-
лиятдаги иштироки ҳамда соҳа мута-
хассислари томонидан ўтказилдиган
қисқа муддатли курслардаги иштироки
рағбатлантирилиб, кредитлар ажрати-
лади.

Ўқувчига ўқув юкламасидан ташқа-
ри ўз ихтиёрига кўра рўйхати тақдим
этилдиган қўшимча фанларни ёки
бошқа касб (мутахассислик) ўқув режа-
сининг танлов фанларида мавжуд фан-
лар рўйхатидан қўшимча фанни танлаб

тўлов-контракт асосида ўқишига рух-
сат этилади. Бунда қўшимча ўзлашти-
рилган фанлар ўқувчи ўқув юкламасига
(кредитлар ҳажмига) қўшилади ҳамда
диплом иловасида қайд этилади.

13. Ўқув йили давомийлиги таълим
дастури асосида белгиланади.

Академик давр давомида ўқувчи то-
монидан тўпланиши лозим бўлган кре-
дитлар микдори ўқув режасида кўрса-
тилган мажбурий ва танлов фанларни
ўз ичига олади.

Мажбурий ва танлов фанлар таркиби
ҳамда уларни ўрганишга ажратилди-
ган кредитлар микдори фанлар катало-
гига мувофиқ техникаси томонидан му-
стақил белгиланади.

Ўқувчилар шахсий таълим траекто-
риясида белгиланган танлов фанлари
доирасида фанларни муваффиқ танла-
ши мумкин. Ўқувчиларнинг шахсий
таълим траекториясини шакллантириш
тартиби техникумлар томонидан белги-
ланади.

14. Ўқувчи бир ўқув йилида камида
60 кредит тўплаши зарур. Ўқув йили
давомида ўқувчи томонидан ўзлашти-
рилиши лозим бўлган кредитлар ҳажми
ўқув режасида кўрсатилган мажбурий
ва танлов фанларни ўз ичига олади.

Ўқувчи ўзининг шахсий таълим тра-
екториясини шакллантиришда ҳар бир
ўқув йили учун камида 60 кредит
ҳажмидаги фанларнинг ўзлаштирили-
шини назарда тутиши, унинг таркибида
ўқув режасидаги мажбурий фанлар бў-
лишини инобатга олиши шарт.

15. Ўрта махсус профессионал таъ-
лим дастури асосида битирувчи олий
таълим муассасаларида иккинчи
босқичдан ўқишини давом эттирганда,
тўпланган жами кредитлар олий таълим
муассасасининг биринчи босқичида
тўпланиши лозим бўлган кредитга тен-
глаштирилган ҳолда ҳисобланади.

Бунда ўрта махсус профессионал
таълим дастури ва бакалаврият таълим
йўналиши дастури таққосланган ҳол-
да ўқувчи таълим дастуридаги фанлар
фарқларини ўқув йили якунига қадар
ўзлаштириши лозим.

16. Техникумларда ўқув юкламаси-
нинг ҳажми ўқув режаси асосида бел-
гиланади.

Кредит-модуль тизимида 1 кредит
ўртача 25–30 академик соат ҳисобидаги
ўқув юкламасига тенг қилиб олинади.
Бунда ўқувчи муайян фандан тегишли
кредитларни тўплаши учун белгилаб
олинган микдордаги ўқув юкламасини
ўзлаштириши зарур.

Ўқув юкламаси аудитория соати ва
муваффиқ таълим соатига бўлинади.

Таълим дастури ўқув йили учун
ўқувчи томонидан, қанда тарихида,
бир семестрда 30 кредит, бир ўқув йи-
лида 60 кредит тўплаши инобатга оли-
ниб ишлаб чиқилади.

Кечки, сиртки ва дуал таълим шакл-
лари ҳамда таълим соҳаси хусусияти-
дан келиб чиққан ҳолда, семестр ва бир
ўқув йилидаги кредитлар микдори тех-

никум педагогик кенгашининг қарори
билан ўзгариши мумкин.

Шахсий таълим траекторияси асоси-
да тахсил олаётган ўқувчилар ҳам ҳар
бир семестр учун 30 кредит ҳажмидаги
фанларни ўзлаштириши ва ушбу фан-
лар таркибида ўқув режасидаги мажбу-
рий фанлар бўлиши шарт.

17. Таълим сифатини таъминлаш ва
педагог ходимлар ўртасида рақобатни
шакллантириш мақсадида техникум-
нинг педагогик кенгаши қарорига асо-
сан таълим жараёнини бошқариш ахбо-
рот тизими портали орқали ўқувчиларга
фан доирасида ўқувчиларнинг шахсий
таълим траекториясини шакллантириш
жараёнида педагог кадрларни танлаш
имконияти берилади.

18. Академик қарздор ўқувчиларнинг
ташаббуси билан мавжуд академик
қарзларни топириш техникумда, қо-
нда тарихида, таътил вақтида пулли
асосда ташкил этилади.

Таътил даврида академик қарзларни
топириш қуйидаги тартибда ташкил
қилинади:

ўқувчи таътил бошлангунига қадар
техникум директорининг ўқув жара-
ёнини ташкил этишга масъул бўлган
ўринбосарига (кейинги ўринларда –
директор ўринбосари) ўзининг таътил
даврида ўқиш истагини билдиради;

директор ўринбосари ушбу ўқувчига
таътил даври учун дарс жадвалини ту-
зади ва ўқувчи тўлов пулини тўлагани-
дан сўнг дарсларга киритилади;

таътил давридаги ўқиш амалдаги
баҳолаш тизими асосида ўқувчилар би-
лимини шаффоф баҳолаш тамойилига
кўра ташкил қилинади.

Таътил давридаги ўқишга ўқитувчи-
лар ўз ихтиёрлари асосида жалб қили-
нади ҳамда уларга соатбай асосида иш
ҳақи тўланади.

Таътил давридаги ўқишни ўқув режа-
сида белгиланган ишлаб чиқариш ама-
лиётлари ва бошқа ўқув машғулотлари
ҳисобидан ўтказишга йўл қўйилмайди.

3-БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

19. Таълим дастури доирасида тех-
никум ўқувчиларининг билимини баҳо-
лаш қонунчилик ҳужжатларида белги-
ланган тартибда амалга оширилади.

20. Фаннинг ишчи ўқув дастурида
белгиланган баҳолаш тартибига муво-
фиқ ҳамда ижобий баҳолаш доирасида
баҳоланган ўқувчиларга кредитлар бе-
рилади.

Ўқувчи белгиланган таълим олиш
натижаларига эриша олмаган тақдирда,
кредитлар берилмайди.

21. Баҳолаш усуллари ўқувчининг
фан доирасидаги ютуқларини ақс эт-
тирувчи ва тасдиқловчи ёзма, оғзаки,
амалий иш, лойиҳа иши каби назорат
турларини ўз ичига қамраб олади.

Баҳолаш мезони ўқитиш натижала-
рига эришилганлигини ақс эттириши
шарт.

22. Бир техникумдаги баҳолаш тизи-

ми бошқа бир техникумдаги ёки (хори-
жий) профессионал таълим ташкило-
тидаги баҳолаш тизими билан қиёсий
таққослаш орқали баҳолаш тизимида
конвертация қилиниб, кредитларни қў-
чириш амалга оширилади.

4-БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АКАДЕМИК МОБИЛЛИГИ ВА КРЕДИТЛАРНИ ТАН ОЛИШ

23. Академик мобилликни таъ-
минлаш ва ўқувчининг кредитлари
бошқа техникумлар томонидан тан
олинишида қуйидаги ҳужжатлардан
фойдаланилади:

таълим дастури каталоги;

*таълим тўғрисидаги келишув, маълум-
отнома ва транскрипт.*

Мазкур ҳужжатлар таълим олиш на-
тижаларини ақс эттиради ва техникум-
ларга кредитларни тан олиш ва ўқишни
қўчириб ўтказишни қўриб чиқиш учун
асос ҳисобланади.

24. Академик мобиллик доирасида
ўқувчининг барча кредитлари техникум
томонидан таълим дастурини ўзлашти-
ришда тўлиқ ҳисобга олинади.

25. Ўқувчи жўнатувчи техникум
тавсиясига асосан қабул қилувчи тех-
никумга академик мобилликни амалга
ошириш учун зарур ҳужжатларни топ-
ширади.

Жўнатувчи техникум томонидан
ўқувчига белгиланган шаклдаги транс-
крипт тақдим этилади.

26. Ўқувчининг академик мобиллик
даврида ўзлаштириши белгиланган
фанларни жўнатувчи техникумнинг ро-
зилигисиз ва у билан келишмасдан ўз-
гартириш мумкин эмас.

Хориждаги ҳамкор профессионал
таълим ташкилотининг фан дастурида
белгиланган таълим олиш натижалари
техникумнинг фан дастури бўйича таъ-
лим олиш натижаларига мос келиши
ёки уларни тўлдириши лозим.

27. Қабул қилувчи техникумда ўқув-
чи томонидан ўзлаштирилдиган фан-
лар жўнатувчи техникумнинг фанларига
интеграция қилинганлиги, шунингдек,
академик мобиллик даврида ўқувчи-
нинг билим даражасини аниқловчи
кўрсаткичларнинг жўнатувчи ва қабул
қилувчи техникумнинг баҳолаш тизим-
ларига конвертация қилинганлиги ака-
демик мобиллик тўғрисидаги шартно-
мада аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Қабул қилувчи техникумда ўзлашти-
рилдиган кредитлар микдори техни-
кумда ёки хорижда ўқиш даврига (3
– 6 ой ёки 1 йилга) мутаносиб бўлиши
керак. Жўнатувчи техникум томонидан
ўқувчи академик мобиллик даврида ўз-
лаштирган (тўлиқ ёки қисман) кредит-
лари тан олинади. Ўқувчи жўнатувчи
техникумга қайтиб келганда, академик
мобиллик даврида тўпланган кредит-
лар микдоридан келиб чиқиб, амалдаги

ИБРАТ

ҲАЛЛОЛЛИК МАРТАБАНИ БЕЗАЙДИ

*“Металлург” спорт соғломлаштириш маркази шифокори,
тажрибали мутахассис Мирзабурҳон Дўсмуродов кутлуг 75 ёшга тўлди*

Дунёда шундай инсонлар борки, улар ўзларининг касбига садоқати, ҳалол меҳнати ва эзгу фазилатлари билан халқимиз орасида ҳурматга сазовор бўладилар. Зеро, халқимиз “Шох сатрлар ила беамоқ чоғидир умр дафтарин” дея бежиз айтмаган. Албатта, бундай умр дафтарини беамоқ учун узоқ йиллар давомида ҳалол меҳнат қилиб, ўз касбини жону дилидан севган инсонгина бунга лойиқдир.

Бир сўз билан айтганда, бутун умрини фаолиятга бағишлаб, тарих зарварақларида ажойиб ном қолдираётган инсонларнинг ораимизда борлигидан фахрланамиз. Ана шундай ўз

ўсмирлар мактаби ходимларини, шунингдек, оммавий спорт фидойиларини доимий руҳлантириб туради. Спорт тиббиётининг билимдонларидан бири Мирзабурҳон ака соҳадаги бошланғич билимларни 1967

нашрларида ўз хулосаларини чоп этиб келмоқда. Айниқса, спорт тиббиёти йўналишидаги долзарб мақолалари “Ўзбекистон футбол”, “Футбол экспресс”, “Аср футбол”, “Интерфутбол”, “Тошкент ҳақиқати”, “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоеохранение Узбекистана”, “Хуррият”, “Маърифат”, “Миллий тикланиш”, “Ватанпарвар”, “XXI аср”, “Фидокор”, “Ишонч”, “Ҳуқуқ”, “Ўзбекистон овози”, “Эрудит-спорт”, “Жамият”, “Чемпион”, “Адолат кўзгуси”, “Металлург минбари”, “Бекобод ишчиси” каби ОАВ нашр-



новли йилларини босиб ўтди. Ҳалоллик билан олиб борган меҳнатлари эса бугунга келиб, ўзининг маҳсулини берди. Мирзабурҳон ака эл назарига

бўлди. Мана бугун ўзининг кўп йиллик меҳнатлари билан халқимиз орасида ҳурмат ва эътибор қозонган самимий инсон Мирзабурҳон Дўсмуродов



йили Қўқон шаҳридаги тиббиёт билим юртида олган. Ҳарбий хизматни (1968-1970) Узоқ Шарқда ўтаб қайтгач, у Андижон Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига (1970-1976) таҳсил олди. Тиббиёт олийгоҳини тугаллаб, она шаҳрига қайтган Мирзабурҳон Дўсмуродов Бекобод шаҳар Марказий шифохонасида иш бошлади. Бир муддат Бекобод тиббиёт билим юртида ёшларга сабоқ берди. Сўнгра шаҳар “Тез тиббий ёрдам” станциясида меҳнат қилди. Бекобод цемент комбинати поликлиникасида фаолият юритди. Шифокорлик соҳасидаги изланувчанлиги, спорт ва футболга қизиқиши уни 1993 йилда “Металлург” футбол клубига бошлаб келди. Бекобод шаҳрининг бош жамоаси билан бир қаторда Ўзметкомбинатга қарашли спорт соғломлаштириш масканида, теннис мажмуасида жамоатчилик асосида шифокор бўлиб ишлади. Мирзабурҳон Мирзахамдамович ўз касбига садоқат билан ёндошиб, унинг сир синоатларини чуқур ўзлаштириб, тажрибасини эса касбдошлари билан ўртоқлашиб келаётган мутахассислардан биридир. Фикримизнинг исботи тариқасида 2001 йилдан буён Мирзабурҳон ака фаолияти давомида республикамизнинг турли марказий

ларида чоп этиб келинмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, Мирзабурҳон Дўсмуродов ўз касбига ниҳоятда талабчан, кези келганда танқидни ҳам ўз ўрнига қўяди. Чунки футболга қабул қилинаётган ҳар бир ўсмир ёшнинг саломатлиги талабга жавоб бериши зарур. Аслини олганда бу жараёни асосини тиббий кўрик ташкил этади. Албатта, бу борада футболга меҳр қўйиб келган ўсмир ёшлар меъёрий ҳужжатларда белгиланган тиббий кўриқнинг ҳар бир босқичидан адолатли ўтиши муҳимдир. Мирзабурҳон ака бундай тиббий кўриқларни ниҳоятда синчковлик ва талаб доирасида олиб боради. Иш бор жойда муаммолар ҳам бўлади деганларидек, Мирзабурҳон Дўсмуродов бу каби ҳолатларга ҳолисона ёндашиб, ўз маслаҳат ва тавсияларини беради. Қанчадан-қанча ёшлар футбол майдонларида тўп тепиб, вақтида саломатлиги учун қайғурган ва керакли маслаҳатларини берган устозлари Мирзабурҳон акадан бир умр миннатдор эканликларини мамнунлик билан айтадилар. Албатта, 30 йил мобайнида бир жойда фаолият олиб бориш, шунингдек, унинг сиру-синоатларини тажриба ва ибрат майдонига айлантириш осон кечмади. Мақоламиз қаҳрамони ана шундай касбнинг си-



тушди, қанчадан-қанча ота-оналарнинг дуосига мушарраф

дов кутлуг 75 ёшни қарши олмақдалар. .

касбига садоқат билан меҳнат қилиб келаётган самимий инсон “Металлург” спорт соғломлаштириш маркази шифокори, тажрибали мутахассис Мирзабурҳон Дўсмуродовдир. Мирзабурҳон ака умрини севган касби – шифокорликка бахшида этган инсон. Халқимизнинг сихат-саломатлигини асраш, дардманд кунлари уларнинг корига яраш, мушкулларини осон қилишдек савобли ишига садоқат билан хизмат қилиб келаётган тажрибали мутахассисдир. Деярли ҳар куни, Мирзабурҳон ака фаолият юритаётган тиббиёт муассасаси доимо фуқаролар билан гавжум бўлади. Дилкаш ва самимий шифокорнинг илиқ муносабати, оталарча ғамхўрлиги, малакали маслаҳатлари “Металлург” футбол клуби ҳамда футболга ихтисослашган болалар ва

Фурсатдан фойдаланиб, “Металлург” профессионал футбол клуби раҳбарияти, клуб маъмурияти ҳамда “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоеохранение Узбекистана” газетаси тахририяти ва аҳил жамоаси номидан Мирзабурҳон Мирзахамдамовични таваллуд айёми, кутлуг 75 ёши билан самимий табриклайди. У кишига мустаҳкам соғлиқ, саломатлик, оилавий тинчлик, фаровонлик тилайди. Фарзандлар, невара, чеваралар даврасида узоқ йиллар роҳат фарогатда умргузаронлик қилиб, бой малака ва тажрибаларини ёш тиббиёт ходимларига, шогирдларига улашиб юришини истаб қоламиз.

Комилжон ЖУМАЕВ.

ЮРТИМИЗ СИХАТГОҲЛАРИДА

ГЎЗАЛ ТАБИАТНИНГ ШИФОБАХШ МАКСКАНИ

Фахр билан айтиш жоизки, мамлакатимизнинг қайси бир жойида бўлмайлик, у ердаги ўзгариш ва янгиланишларни кўриб, қалбимиз завққа тўлади. Бунинг исботи сифатида айтишим жоизки, Давлатимиз раҳбарининг инсон қадрини эзгулик сари чорлаётгани бежиз эмас. Айниқса, юртимизда инсон саломатлиги ва унинг қадр-қиммати ҳамда турмуш фаровонлиги учун яратилаётган шароитларнинг бардавомлиги ҳар биримизни қувонтирмоқда. Меҳнат таътилим даврида саломатлигимни тиклаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг санатор курортлар бошқармасига қарашли, Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган “Бўстон санаторийси”да бўлиб қайтдим.

толог, стоматолог, гинеколог, уролог каби тор мутахассислар

Албатта, бу машаққатли меҳнатларнинг махсулида “Бўстон санаторийси”нинг директори Фарида Акбарованинг меҳнатсеварлиги ҳамда ташаббускорлиги эътирофга муносибдир.

текширувидан ўтказилгандан кейингина физиотерапия муолажаларига йўлланма берилади.



зар ташлар эканмиз, ётоқхонаси алоҳида, дам олиш хонаси ҳам алоҳида. Ҳар бир хонада телевизор, музлатгич ва кондиционер-

нида меъёрий қоидаларга риоя қилган ҳолда навбатма-навбат хоналарга ташир буюрадилар. Шу жараёнда биринчи қаватда



Таъкидлашим муҳимки, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз нуфузига эга бўлиб, дунё аҳли томонидан серқуёш Ўзбекистон ва жаннатмакон юрт деб эътироф этилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Юқоридаги фикрларимизнинг исботи сифатида айтиш жоизки, юртимиз гўшаларида ўзининг хушхаволиги, гўзал табиат манзараси ҳамда кенг имкониятлар билан халқимиз саломатлигини тиклашда алоҳида ўринга эга бўлаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациялари тизимидаги санаторийлар фаолияти тўғрисида қанчалар гапирсакда озлик қилади. Айниқса, “Бўстон санаторийси”да даволанувчилар учун яратилган кенг имкониятлар мени бефарқ қолдирмади. Мазкур санаторийга кириб борар эканмиз, аввало, унинг соф ҳавоси, турли манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда анвойи гуллар, шунингдек, ҳудуднинг каттали-



лар мавжуд. Ошхонадаги шароитлар, айниқса, озодалик ҳамда ошпаз ва овқат тарқатувчиларнинг мазали овқатларию, хушмуомалалигини айтмайсизми? Таомномадан ўрин олган овқатлар бир хил эмас. Саломатлигини тиклаш учун борганлар орасида қон босими, қанд ва ошқозон

ишлаб турган фитобар хизматларидан унумли фойдаланадилар. Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, даволанувчиларга асосан қўли енгил меҳрибон ҳамширалар хизмат кўрсатишади. Шунингдек, тор мутахассисликдаги шифокорлар ҳам билим ва тажрибалари асосида даво муолажалари олиб бориш билан бирга керакли тавсиялар беришади. Бундан ташқари шифокор ва ҳамширалар тунги навбатчиликда бўлишади. Айни пайтда жисмоний ҳаракат инсон саломатлиги учун қанчалик қадрли эканлигини билган даволанувчилар эрталабки бадан тарбия машғулотлари иштирок этишади. Шу билан бирга спорт зали ҳамда сув ҳавзасида ўзига хос машғулотлар билан ҳам шуғулланадилар. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, инсон кайфияти ва руҳиятини кўтаришдаги дардларга малҳам бўлгучи маданий ҳордиқларни айтмайсизми. Айниқса, ҳар кун кечкурун элимиз севган ва ардоқлаган хонандалар, кулги ҳамда цирк санъати усталарининг ташрифи даволанувчиларнинг қалбига завқ бағишлайди. Бундан ташқари, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган зиёратгоҳлар, тарихий обида ва музейлар, шунингдек, Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларга уюштирилаётган экскурсиялардан даволанувчилар ниҳоятда мамнунлар. Бир сўз билан айтганда мазкур дам олиш сиҳатгоҳида соғлом муҳит барқарорлигини гувоҳи бўлдик.

ичак касаллиги бор даволанувчиларга парhezли таомлар алоҳида тайёрланади. Тушлик ва кечки таомномадан сабзавотлардан тайёрланган салатлар, олма, хурмо, нок каби мевалар ҳам ўрин олган. Албатта, ошпазлар учун даволанувчиларга турли хилдаги овқатларни тайёрлаш осон эмас.

Даволаш бўлими икки қаватдан иборат бўлиб, унда барча муолажалар олиб борилади. Мазкур бўлим янгидан бунёд этилган бўлиб, барча хоналарида муолажалар учун шароитлар етарли. Агар зимдан кузатсангиз, даволанувчилар физиотерапевтик муолажаларни олиш жараё-



ги эътиборимизни тортди. Санаторий асосан, асаб тизими, юрак қон-томир касалликлари, гинекологик ва урологик ҳамда таянч-ҳаракат аъзолари касалликларини даволашга ихтисослашган. Унда малакали кардиолог, терапевт, физиотерапевт, гинеколог, уролог, диетолог, валеолог, ҳамширалар (қабулхона шифокори-невропотолог) ҳамда лаборант шифокорлар фаолият юритишади. 230 нафар дам олувчига мўлжалланган санаторий 5 қаватдан иборат, шунингдек,

1 қаватли ётоқхоналар, оилавий коттеж ва меҳмонхоналар мавжуд. 2021 йилда 2 қаватли янги даволаш бўлими очилган бўлиб ҳозирда дам олувчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Сиҳатгоҳга илк бор кириб борганимизда, қабулхона ходимлари бизни хушқайфият билан кутиб олишди. Қабулдаги шифокору, ҳамширалар ўз ишлари билан банд. Ўша ернинг ўзида шифокор ва кардиолог кўригидан ўтиб сўнгга даволаш бўлимида УТД, терапевт, невропа-

Шунингдек, лаборатория таҳлиллари олинади. Терапевт ҳар бир даволанувчи билан алоҳида суҳбат ўтказиб, саломатлиги тўғрисида олинган хулосалар асосида керакли муолажаларга рухсат беради. Санаторийнинг даволаш бўлими янгидан бунёд этилган бўлиб, даволанувчилар учун барча шароитлар замонавий тарзда яратилган. Шу ўринда эътироф этиш ўринлики, даво муолажаларининг асосий қисmini ҳамширалар амалга оширишади. Дам олувчилар хоналарига на-

Ўз фикрларимни мухтасар қилар эканман, мазкур сиҳатгоҳдаги даволанувчилар билан суҳбатлашганимда улар “Бўстон санаторийси” директори Фарида Акбарова ҳамда унинг аҳил жамоасига ўзларининг чексиз миннатдорликларини изҳор этдилар. Шу ўринда ушбу сиҳатгоҳ жамоасига мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА,
журналист

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил
7 декабрдаги 648-сон қарориға
1-илова

ТЕХНИКУМЛАРДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

◀Давоми. Боши 2-3-бетларда

тартибга қўра уни кейинги босқичга ўтказиш ёки босқичда қолдириш белгиланади.

Техникумнинг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган таълим дастурлари доирасида академик мобиллик учун таълим тўғрисидаги келишувлар тузиши талаб этилмайди.

28. Техникум ўқувчиларининг ўқишини кўчириш, ўқишдан четлаштириш, қайта тиклаш ва курсдан курсга ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги 466-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги низома мувофиқ амалга оширилади.

Ўқишини бошқа техникумларга кўчиришга рухсат берилган ўқувчиларнинг тегишли мутахассислиги ўқув режаси таққосланган ҳолда фанлар ва кредитлар миқдоридаги фарқлар аниқланади.

Бунда тўпланиши лозим бўлган кредитлар миқдорининг 10 фоизигача ўзгариш бўлганда фарқ қилган фанларни жорий ўқув йили якунига қадар ўзлаштириш лозим бўлади.

Тўпланиши лозим бўлган кредитлар миқдоридаги фарқ 10 фоиз ва ундан юқори бўлган ҳолларда ўқувчи мазкур босқични қайтадан ўқитиш лозим.

5-БОБ. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА РЎЙХАТГА ОЛИШ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

29. Рўйхатга олиш хизматлари таълим ва ўқувчилар билимини баҳолаш жараёнларини алоҳида юритиш, ўқувчилар ҳақидаги академик маълумот-

ларни электрон тарзда автоматик бошқариш ҳамда якуний назоратларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

30. Рўйхатга олиш хизмати ўқувчига танлаган мутахассислиги бўйича юқори даражадаги билим, кўникма ва малакаларга эришишда ёрдам беришга қаратилган бўлиб, қуйидаги функцияларни қамраб олади:

ўқув жараёни жадвалини тузиш ва бажарилишини назорат қилиш;

ўқувчиларнинг фанларга рўйхатдан ўтишини назорат қилиш;

академик гуруҳларни шакллантириш;

оралиқ, якуний баҳолашлар ва якуний давлат аттестацияси ўтказилишини назорат қилиш;

маълумотлар базасини шакллантириш ва мунтазам янгиланган бўлиши;

таълим олаётган ўқувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сақланишини ташкил этиш;

транскрипт шаклланини шакллантириш ва ўқувчиларнинг маълумотларини киритиш;

ўқувчилар контингенти бўйича статистикани юритиш.

31. Рўйхатга олиш хизматлари ўқув-методик бўлим томонидан амалга оширилади. Техникумларнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Таълимнинг кредит тизимини бошқариш сектори ташкил этилиши мумкин.

32. Рўйхатга олиш хизмати белгиланган жадвалга мувофиқ ўқувчиларни фанларга рўйхатдан ўтказиш ва ўқувчининг шахсий таълим траекториясини шакллантиради.

Ўқувчининг шахсий таълим траек-

торияси улар томонидан мустақил равишда гуруҳ мураббийи ёрдамида ўқув режаси ва танлов фанлари асосида умумий ўқиш даври учун тузилади.

Ўқувчи шахсий таълим траекториясига ҳар ўқув йилидан олдин ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиши мумкин.

33. Ўқувчининг шахсий таълим траекторияси асосида рўйхатга олиш хизмати академик гуруҳларни шакллантиради ва муайян бир фанга ёзилиш етарли бўлмаган тақдирда, шахсий таълим траекториясини ўзгартириш зарурлиги тўғрисида ўқувчиларга хабар беради.

Ўқувчининг шахсий таълим траекторияси шакллантириб бўлингандан сўнг рўйхатга олиш хизмати дарс жадвалини тузиш учун техникум ўқув-методик бўлимига академик гуруҳлар тўғрисида маълумот беради.

34. Рўйхатга олиш хизмати ҳар бир ўқувчини рўйхатдан ўтказиш санаси ва вақтини белгилайди (ўқувчи томонидан етарли ОРА кўрсаткичларининг тўплаганлиги ва тўлов-контракт амалга оширилганлигига қараб).

Биринчи босқич ўқувчиларини рўйхатдан ўтказиш улар билан академик ва касбга йўналтириш тадбирлари амалга оширилганидан сўнг бошланади.

35. Ўқувчилар танлаган фанларини ҳар семестрнинг биринчи ҳафтаси ичида ўзгартириши мумкин.

6-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

36. Техникумда таълим олишнинг тўлов-контракт миқдори қонунчилик

ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

37. Фанлар бўйича қайта таълим олиш учун тўлов қиймати техникум томонидан бутун ўқув йилининг тўлов-контракт суммасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қайта таълим олиш учун тўлов-контракт механизми техникум томонидан бир кредит қийматини ҳисоблаш асосида аниқланади.

Бир кредит қиймати ўқув йили давомидаги таълим олиш учун тўланадиган базавий тўлов-контракт миқдорини режалаштирилган кредитлар миқдорида бўлиш йўли билан белгиланади.

38. Таълим дастурида белгиланган натижаларга эришиш ҳамда кредит-модуль тизими тўғри ва ҳаққоний қўлланилаётганлигини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида ўқув жараёнининг мониторинги ўтказилади.

Мониторинг техникум ва олий таълим ташкилоти томонидан сўровнома, интервью олиш ёки эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

39. Ўқувчи ўқув режасида назарда тутилган кредитларни тўпласа, шу жумладан, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтса, профессионал таълимнинг тегишли даражасига эга бўлади ва унга белгиланган тартибда давлат намунасидаги диплом берилади.

40. Ўқувчиларнинг шахсий таълим траекторияларига тегишли маълумот-номалар, кредитларни тан олиш ва ўқишини кўчириб ўтказишга тааллуқли ҳужжатлар, транскриптлар, имтиҳон қайдномалари 75 йил давомида техникумлар архивида сақланади.

НОВОСТИ МЕДИЦИНЫ

В США ОДОБРИЛИ ЛЕКАРСТВО НА ОСНОВЕ ТЕХНОЛОГИИ РЕДАКТИРОВАНИЯ ГЕНОВ CRISPR

В США одобрили препарат Casgevy, работающий на системе редактирования генов CRISPR. Об этом говорится в сообщении Американского управления по санитарному надзору за качеством пищевых продуктов и медикаментов (FDA).

Препарат будет применяться для лечения серповидноклеточной анемии у пациентов старше 12 лет. В США от этой наследственной патологии страдают около 100 тысяч человек.

Основной проблемой при серповидноклеточной анемии является мутация гемоглобина - белка, содер-

жащегося в эритроцитах, который доставляет кислород к тканям организма. Эта мутация приводит к тому, что эритроциты приобретают форму полумесяца или серпа. Они ограничивают кровоток в кровеносных сосудах и доставку кислорода к тканям организма, что приводит к сильной боли и поврежде-

нию органов. В результате это может привести к инвалидности или ранней смерти пациента.

Благодаря этой технологии CRISPR, которая получила название "генетических ножниц", появляется возможность точно редактировать (удалять, добавлять или заменять) ДНК.

Модифицированные стволовые клетки крови трансплантируются обратно пациенту, где они прикрепляются и размножаются в кост-



ном мозге, увеличивая выработку фетального гемоглобина, который

облегчает доставку кислорода.

Мария КРЫЛОВА.

НОВОСТИ НАУКИ

ПРОРЫВ В ОБЛАСТИ ИЗУЧЕНИЯ СТАРЕНИЯ ОРГАНИЗМА: КАКОЙ ОРГАН ОТКАЖЕТ ПЕРВЫМ

Новое исследование, проведенное учеными из Стэнфордского медицинского университета, демонстрирует простой способ изучения старения органов путем анализа отдельных белков или их наборов в крови, что позволяет прогнозировать риск развития заболеваний органов у отдельных людей. Метод оценки скорости старения органов с помощью анализа крови описан в журнале Nature.

Исследование охватило 5678 человек и показало, что, если какой-то орган стареет особенно быстро, существует высокая вероятность того, что именно он станет причиной серьезного заболевания или смерти.

Ученые рассчитывают, что простой анализ крови поможет определить, какие органы в организме человека быстро стареют, и начать терапевтическое вмешательство задолго до проявления клинических симптомов.

«Мы можем оценить биологический возраст органа у внешне здорового человека», — говорит старший автор исследования, профессор неврологии университета Д.Х. Чена Тони Висс-Корай, — «Это, в свою очередь, позволит предсказать риск развития заболеваний, связанных с этим органом».

«Многочисленные исследования выявили отдельные цифры, представляющие биологический возраст людей — возраст, определяемый сложным набором биомаркеров, — в отличие от их хронологического возраста, фактического количества лет,

прошедших с момента их рождения», — рассказывает Висс-Корай. Новое исследование пошло дальше — ученые получили определенные цифры для каждого из 11 ключевых органов, систем органов или тканей: сердца, жировой ткани, легких, иммунной системы, почек, печени, мышц, поджелудочной железы, головного мозга, сосудов и кишечника.

Когда исследователи сравнили биологический возраст органов у каждого человека с аналогичными органами большой группы людей без очевидных тяжелых заболеваний, мы обнаружили, что у 18,4% людей (у 1 из 5) в возрасте 50 лет и старше по крайней мере один орган старел значительно быстрее. У 1 из 60 человек, участвовавших в исследовании, быстро старели два органа. У первой группы участников риск летального исхода в течение следующих 15 лет был выше на 15-50%, а у вторых — больше в 6,5 раз.


Ученые проанализировали уровни почти 5000 белков в крови примерно у 1400 людей в возрасте от 20 до 90 лет. С помощью

алгоритма машинного обучения исследователи выявили 858 белков, предсказывающих биологический возраст сердца, жировой ткани, легких, иммунной системы, почек, печени, мышц, поджелудочной железы, мозга, сосудистой системы и кишечника. Исследователи связали аномальные уровни этих белков с ускоренным старением соответствующих органов, восприимчивостью к болезням и с повышенным риском смертности.

Ученые проверили точность алгоритма, оценив возраст еще примерно 4000 человек, данные которых были репрезентативны для населения США.

Для каждого из 11 органов команда Висс-Корая вычислила «разницу в возрасте»: разницу между фактическим возрастом органа и его предполагаемым возрастом, основанным на расчетах алгоритма, основанных на специфичных для органа белках. Исследователи обнаружили, что выявленные возрастные различия для 10 из 11 изученных органов (единственным исключением является кишечник) были в значительной степени связаны с будущим риском смерти от разных причин в течение 15 лет наблюдения.

Наличие органа с ускоренным старением (определяемого как биологический возраст органа, оцененный алгоритмом на 1 стандартное отклонение выше, чем средний показатель по группе для этого органа среди людей того же хронологического возраста) повышает риск смертности на 15-50% в течение следующих 15 лет, в зависимости от



того, какой орган затронут.

Исследование показало, что у людей с ускоренным старением сердца, но изначально не проявлявших симптомов активного заболевания, риск сердечной недостаточности был в 2,5 раза выше, чем у людей с нормально стареющим сердцем.

У людей с «состарившимся» мозгом вероятность снижения когнитивных функций в течение пяти лет была в 1,8 раза выше, чем у людей с «молодым» мозгом. Ускоренное старение мозга или сосудов предсказывало риск прогрессирования болезни Альцгеймера так же, как и применя-

емые в настоящее время клинические биомаркеры.

Аналогичным образом, была выявлена сильная связь между показателями почек при экстремальном старении (более чем на 2 стандартных отклонения выше нормы) и артериальной гипертензией и диабетом, а также между показателями сердца при экстремальном старении и сердечным приступом.

«Если мы сможем подтвердить это открытие у 50 000 или 100 000 человек», — говорит Висс-Корай, — это будет означать, что мы со временем сможем лечить людей до того, как они заболеют.»

По словам ученого, выявление органоспецифичных белков, которые указывают на чрезмерное старение органов и, следовательно, на повышенный риск развития заболеваний, выявит новые мишени для лекарственных препаратов.

Марина КЫН,
Медицинская газета.

ФВВ ОГОҲЛАНТИРАДИ

ИС ГАЗИ НИМА, ЎЗИ?

Ис гази (углерод оксиди) - рангсиз, таъмсиз, ҳидсиз захарли газ. Кимёвий формуласи — CO₂. У ер юзида энергиянинг жадал ишлатилишидан юзага келувчи, табиатда энг кўп тарқалган захарловчи газлардан биридир.

Уасосан кўмир, табиий газ ва бошқа ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслиги сабаб юзага келади. Нафас олинувчи ҳаво таркибида 0,1 фоиз ис газининг бўлиши ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин! Ис гази организмга тушганда у қон таркибидаги гемоглабин ва кислород ташувчи эритроцитларни ўзаро боғлаб, кислороднинг тана бўйлаб ҳаракатланишини чеклайди. Натижада инсон хушини йўқотади.

Ис газидан захарланишнинг умумий белгилари:

Бош мия тизимида: уйқуга тортиш, бош айланиш, бош оғриги, хушини йўқотиш.

Кўриш тизимида: кўз олдининг қоронғулашиши.

Эшитиш тизимида: эшитиш қобилиятининг пасайиши;

Тери қисмида: терлаш кучайиши; Нафас олиш тизимида: нафас олишнинг оғирлашиши, йўтал;

Юрак қисмида: пульс ва АБ ортиши; Мушаклар тизимида: тремор (қалтираш).

Газдан захарланганда биринчи ёрдам қандай кўрсатилади?

Барча ҳолатдаги оғир захарланишларда зудлик билан тез тиббий ёрдам чақириш зарур. Шифокор етиб келгунга қадар қуйидагиларни амалга ошириш керак: Жабранувчини зудлик

билан газланган ҳудуддан тоза ҳавога олиб чиқиш керак, жабранувчининг қўл ва оёқларини кўтарилган ҳолатда ётқириш, нафас олишига ҳалакит берувчи барча нарсаларни йиғиштириш (туғмаларни ечиб, ёқани очиш, камарни бўшатиш ва бошқалар), жабранувчининг ухлаб қолмаслигини назорат қилиш, жабранувчини юргизиш тақикланади, жабранувчи нафас олмаётган бўлса, унга тоза ҳавода ёки ҳавоси яхши айланадиган хонада сунъий нафас олдиришни бошлаш лозим. Нашатир спиртини ҳидлатиш, хушига келган вақтида йиқилиб, жароҳатланмаслиги учун чоралар кўриш, жабранувчининг ҳолати яхши бўлса, иссиқ чой ёки қаҳва ичириш, кислород ёстиғи ёрдамида кислород бериш.

Санжархўжа
ОБИДХЎЖАЕВ,
“Қорасув Қароргоҳи”
Давлат Резиденцияси
ЁХТТЭБ инспектори,
капитан.

ГАЗДАН ТЎҒРИ ҲОЙДАЛАНИНГ!

Ҳаммамизга маълумки, саноат ва иқтисодиёт ривожига табиий газ ёқилгиси муҳим ва асосий ўринда турувчи неъматдир. Шу боис мазкур неъматдан хавфсизлик қоидалари асосида тўғри ва оқилона фойдаланишимиз талаб этилади.

Табиий газдан бепарволик ва нотўғри мақсадларда фойдаланиш катта талофатларга олиб келишини ҳар биримиз ҳам тушунавермаймиз, истемол қоидаларга риоя қилмаслик-бу катта талофатларга ҳаттоки яқин инсонлардан жудо бўлиш, бир умрга ногирон одамга айланиб қолиш дегани. Сир эмас, киш қунларни об-ҳавонинг совиши билан барчамиз хоналарни иситиш мақсадида табиий газ ёнилғиси ва электр қувватида иситиладиган анжомлардан фойдаланамиз, лекин қай тарзда? Орамизда носоз ёки қўлбола усулда ясалган электр ва табиий газ ёнилғисида иситиладиган мосламаларни ишлатган ҳолда хонадонни қулга айлантириб, ўз-

лари ҳам қурбон бўлиб кетган инсонлар ҳам бор. Шу ўринда фуқароларимиздан хавфсизлик қоидаларига риоя этишлари ва истемол талабларига лоқайдлик билан қарамасликларини, табиий газ анжомларидан тўғри фойдаланишлари, газ анжомларини газ қувурларига резина шланглар ёрдамида улаб олмасликларини, табиий газдан фойдаланишда меъёр ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишларини сўраб қоламиз.

А.ТАДЖИБАЕВ,
“Қорасув Қароргоҳи”
Давлат Резиденцияси
ЁХТТЭБ кичик инспектори,
катта сержант.

МАНГУ БАРҲАЁТ

КАМТАРИН ВА ОЛИЙЖАНОБ ИНСОН ЭДИ

Академик С. Бахрамов номидаги Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкомия” хайрия жамоат фонди
Васийлик кенгаши аъзоси, “NeoLab Diagnostics” МЧЖ раҳбари Баҳодир Саиджалолович
Бахрамов 2023 йил 4 декабрь куни, 56 ёшида вафот этди.



Баҳодир Бахрамов 1967 йил 20 июлда Тошкентда шахрида зиёлилар оила-сида таваллуд топди. Таниқли тиббиёт ходимлари бўлган отаси Саиджалоил ака ва онаси Холидахон аяларнинг тўнғич

фарзанди сифатида меҳр билан тарбия олди. Вояга етиб, ота-онасининг изидан бориб, тиббиёт ходими бўлиб етишди. Кейинчалик хусусий лаборатория клиникасини таъсис этиб, уни муваффақиятли бошқариб келди. Ўз навбатида, Баҳодир Бахрамов академик Саиджалоил Бахрамов ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкомия” хайрия жамоат фондида Васийлик кенгаши аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият олиб борди. Фонд фаолиятини янги ва юқори босқичга олиб чиқишда ўзининг муносиб хиссасини қўшди. Кўнгилли-волонтерлар доирасини кенгайтирди. Беморлигига қарамай, хайрия фонди ишларини янада ривожлантиришга ҳаракат қилди. Мазкур Фонд томонидан

ижтимоий кўмакка муҳтож беморларга кўрсатилган моддий ёрдамларда Баҳодир Бахрамовнинг улуши бекиёсдир. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан Республика гематология марказида ўтказилган тадбирда Баҳодир Бахрамов ўзининг “Шукурли ва шуқухли ҳаёт” деб номланган китобини тадбир иштирокчиларга тақдим этган эди. Ушбу китоб Фонд таъсисчиси, ҳаммамиз учун қадрли бўлган устоз, академик Саиджалоил Бахрамов ҳақида ёзилган. Баҳодир Бахрамовнинг яна бир эътироф этиладиган ҳислатларидан бири бу унинг камтаринлигидир. Ҳаёти давомида ҳам бошқа инсоний фазилатлари билан намунали оила бошлиғи, вафоли турмуш ўртоқ, меҳрибон ота ва суюкли бобо

ҳамда адолатли раҳбар сифатида катта хурмат қозонди.

Баҳодир Саиджалоловичнинг Республика хайрия жамоат фонди бўйича амалга оширадиган йирик лойиҳалари, тадбирлари, орзулари кўпгина эди. Афсуски, бешафқат ўлим ажойиб ва меҳнатсевар инсонни бевақт орамиздан олиб кетди. Бу ишларни энди Баҳодир Бахрамовнинг фарзандлари ва яқинлари давом эттиришига ишончимиз комил.

Жамоамиз номидан марҳум Баҳодир Бахрамов оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамыз.

Академик С. Бахрамов номидаги Ўзбекистон Республикаси хайрия жамоат фонди жамоаси.

ТИББИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ПАРКИНСОНГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРГА ЭРКИН ҲАРАКАТЛАНИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ ИМПЛАНТ ЯРАТИЛДИ

Паркинсон – бугунги кунда энг тез ривожланаётган неврологик касалликлардан бири. У асосан 50 ёшдан ошган кишиларда юзага келади. Бироқ хасталик кўпинча кеч босқичда аниқланиши боис муолажалардан ҳамиша қутилган самара бўлмайди.



Паркинсон ташхиси қўйилган беморлар эркин ҳаракатланиш, юриш ва мувозанатни сақлашга қийналади. Бу борада уларга энг яқин кўмакчи—дори-дармонлар. Бироқ препаратларнинг ҳам таъсир кучи ва муддати чегараланган. Ана шу муаммога

самарали ечим излаган Швейцария олимлари янги технология яратишга муваффақ бўлди. У беморларнинг йиқилмай юриши ва мувозанатни йўқотмай ҳаракатланишини таъминлайди. Янги технология орқа мия импланти бўлиб, у хасталикка чалинган

организмга ўрнатилади. Қурилма мия фаолиятига тақлид қилиб, мушакларга электр импульсларини юборади. Тажрибада иштирок этган илк бемор – италиялик Мишел Роккати автоҳалокат туфайли умуртқа поғонаси жиддий шикастланган. Шундан буён мустақил ҳаракатлана олмайди. Беморда клиник синов муваффақиятли ўтди. У энди танасига ўрнатишга импланти ёрдамида бемалол ўрнидан туриб, тахминан икки соат, яъни дам олмасдан бир километр масофага юра олади.

Навбатдаги бемор – Марк Готиер йигирма йилдан бери Паркинсон касаллигидан азият чекиб келади. Юқори технологик операция ёрдамида унга имплант ўрнатишга, аввал мувозанатни сақлаш, кейинроқ 6 километргача масофани босиб ўтиш қобилиятига эга бўлди.

Олимлар мазкур қурилма келгусида умуртқа поғонаси оғир жароҳатларидан қийналаётган ҳамда Паркинсонга чалинган беморларга тик туриш, юриш ва спорт билан шуғулланиш имконини беришига ишонч билдирмоқда.

@ssvuz

БУЙРАК САЛОМАТЛИГИ ЮРАК ФАОЛИЯТИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ?



Юрак ва буйраклар бир-бири билан chambarchas boglangan. Бир органда носозлик бўлса, бошқа органга ҳам таъсир қилиши мумкин.

Юрак орқали қон бутун танада тўғри таксимланади. Агар бу жараён бузилса, буйракларда кислородга бой қон оқимининг тикилиб қолиши ва камайишига олиб келиши мумкин. Натижада, буйрак касаллиги ривожланади.

Буйраклар яхши ишламаса, қон босимини тартибга солувчи гормонал тизим буйракларни қон билан таъминлашни кучайтириш учун кўпроқ ишлаши керак. Бундай ҳолатда юракка босим тушадди, натижада юрак хасталиги ривожланиш хавфи ортади.

t.me/malhamssb

O'ZBEKISTONDA
SOG'LIQNI SAQLASH
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА
1-ТИМОВ-СИЙОШ ГАЗЕТА • 1995-ЙИЛ ОКТЯБР ОЙИДАН ШИДА БОШЛАГАН

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилими: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй Тел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 660 дона.
Буюртма рақами Г-1235.

Босмахонага
топирилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 20-00.